



ШЕЪЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 118 (18.595).

Сешанба, 1983 йил 24 май

Баҳоси 3 тийим.

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга!

Озиқ-овқат программасини бажариш—умумхалқ иши

ДАШТ ўрнида БОҒЛАР

Қувасой бугунги кунда ўзининг раиғ-баранг саноат маҳсулотлари билангина эмас, балки ширин-шакар мева ҳамда узуми, сабзавот ва полдиз маҳсулотлари билан ҳам машҳур бўлиб қолди. Республика партия ва ҳукуматининг қарори билан шаҳар территориясидаги барча ҳўжаликлар мева ҳамда узумчиликка ихтисослаштирилган совхозларга айлантирилди.

СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга интилаган қувасойлик соҳибкорлар меҳнати дастлабки самараларини бермоқда. Чунончи, ўтган йили давлатга 5,5 минг тонна ҳўл мева, 2 минг тонна узум, 10 минг тонна сабзавот топширилди. Бу йил эса эл дастуридаги тўқилган ноз-неъматлар миқдори сезиларли даражада кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Қувасой Фарғона областининг энг мўл ва сархил мева, узум еттиштириладиган районларидан бири бўлиб қолди. 1990 йилга бориб Қувасой совхозлари 30 минг тонна ҳўл мева, 20 минг тонна узум еттиштириши мумкин. Бунинг учун ҳали кўп меҳнат қилиш кераклигини соҳибкорлар яхши билишлар.

Шуниси диққатга сазоворки, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш юзасидан олиб бориладиган кенг кўламли ишларнинг устидан посёла ва қишлоқ Советлари депутатлари турибдилар. Улар ҳаётнинг ўзи кўн тартибига қўйган энг долзарб вазифа ҳамда муаммоларини ўз вақтида илгаб олиб, шаҳар Совети сессия ва йиғилишларига киритишмоқдалар. Чунончи, депутатлар тақлифи билан шаҳар ижрокомси ўз мажлисида 1000 тонна мева синалган ҳолодликнинг қурилишини кўриб чиқди. Бу масала юқори ташкилотлар эътиборига ҳам ҳавола этилди ва ҳолодликнинг қурилиши масаласи ижобий ҳал қилиниши арафасида турибди.

Янги бўғ ҳамда мевазорлар асосан янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига барпо этилмоқда. Шаҳар Совети Арсиф, Қўқорчи, Суфон дашт-адирларини бўғ ва ишқоморларга айлантириш режаларини тўзмоқда. Шундай қилиб, 1985 йилга бориб совхозлардаги бўғ ва узумзорлар майдони 7 минг гектарга етди.

Яқинда шаҳардаги Ҳамид Олимжон номи совхоз даладарини айланиб юриб, бўғларга сув тарабган бир кенча соҳибкор билан гап-лашиб қолдик. «Йилларни, — дейди у, — 30-40 тек тартиб бонинг ҳам бўғ деб юрган эканмиз. Ҳозир шаҳардаги олтинга совхознинг ҳаммаси бўғ узумдор. Турли-түрли ўйланб қолмади: мана бу гектар бўғлар мевадан қандай саранжомлаб оларкинмиз!»

Оқсоқол бонбин бугунги кунда бўғ, гуржираб ўсаётган бўғларга қараб ҳам гуржур, ҳам бир оз ташвиш билан айтгани сезилиб турарди. Дарҳақиқат, унча узок эмас, тўқсонинчи йилга бориб, шаҳар ҳўжалик-лари учма-мунча эмас, юқориди қайд этиб ўтилганидек 50 минг тонна узум ва мева етказиб беришга қодир бўлади.

Шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети масалаларини шу томонини ҳисобга олиб, ҳозирдан муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Чунончи, ҳўжаликлар еттиштирадиган мева ҳосилининг бир қисmini қайта ишлаш мақсадида шаҳарда йирик, замонавий консерва заводи қурилиши бошлангани арафасида турибди. Корхона йилига 12 миллион шартли банка мева консервалари ишлаб чиқа-

О. ҲАКИМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

29 минг тонна «кумуш тола» учун



ОИЛАВИЙ ЗВЕНО ҲИССАСИ

Бухоро области пиллакорлари она-Ватан хирмонида 3 минг 230 тоннадан зиёд «кумуш тола» топшириб республикада биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бу улкан муваффақиятга юзлаб пиллачилик звеносининг бошқилари катта ҳисса қўшдилар. Булар қаторида илгор пиллакор М. Мухторова ҳам бор. Унинг асли касби педагог. У еш авлодга пухта билим бериш билан бир қаторда ҳар йили оилавий звено тузиб, ипак қўрти боқди. Ун биринчи беш йилликнинг ўтган икки йили мобай-

нида педагог бошлиқ оилавий звено йилга 1100 килограмдан «кумуш тола» топширди. Бу йил ипак қўртини намунали парварши қилган звено пиллакорлари 10 қўрт қўрт уруғининг ҳар қутисидан 120 килограмдан жами 1200 килограмм аъло сифатли пилла топширишга муваффақ бўлдилар. Суратда: М. Мухторова қиз Зулфия ва келини Раҳимаойлар билан.

А. Мирзаёнов фотоси. (ЎЗАТАГ).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган Олтириқ району пиллакорлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 277 тонна «кумуш тола» топширилиб, бу борадаги план муддатдан илгари ошириб бажарилди. Ҳар қўрт қўрт уруғидан олинган ҳосил ўртача 73 килограммин ташкил этди. Пилла еттиштириши кўпайтириш ва сифатини яхшилашда Охунбобоев номи, Энгельс номи, «Комсомол», «Паштабод», «Ленинград», «Бекитон» колхозлари ва «Ленинград», «Паштабод» совхозлари катта муваффақиятга эришдилар. Илгор ҳўжаликлардаги 30 дан зиёд пиллачилик бригадаси юксак социалистик мажбуриятини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Районда пилла топшириш қизғин давом этмоқда. Заршунослар яна 38 тонна хом ашё топшириб, ялпи хирмонини 315 тоннага етказиш мажбуриятини олдидлар.

ОЛОТ РАЙОНИ заршунослари пилла тайёрлаш планни бажарилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Она-Ватан хирмонига 165,1 тонна юқори сифатли хом ашё етказиб берилиб, план 105 процент бажарилди. Бу муваффақиятга «Ленин йўли», «Партия XXII съезди», «Калинин номи», «Ленинград», «Файзулла Ҳўжаев номи» колхозлари ва «Янги ҳаёт» совхоз пиллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Район заршунослари мажбурият ҳисобига пилла топширишмоқдалар.

МАРРА—II МИНГ КИЛОГРАММ

Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган Орхоникизде районидagi «ВЛКСМ 60 йиллик» сўт-сабзавотчилик совхоз пиллакорлари дастлабки муваффақиятга эришдилар. Она-Ватан хирмонига 280 килограмм юқори сифатли пилла етказиб берилиб, бу пландагидан 200 килограмм кўпдир. Пленумнинг бажарилишига Ф. Мирисломов, Х. Холматов, М. Иброҳимов, М. Мухторова, К. Абдуминов, А. Мустафоев, К. Акбаров етакчилик қилаётган бригадалар пиллакорлари катта ҳисса қўшдилар. Тўйма Ибрагимов, Умрия Эргашева, Анжурол Омонова, Бўстон Махмадизова, Карима Сатторовна сингари кўпжаб заршунослар ҳар қўрт қўрт уруғидан 110—120 килограмдан ҳосил олиб, ҳамма-бларига ўрнатилган кўрсаткичга етдилар.

Совхоз «Кумуш тола» ижодкорлари яна 1200 килограмм пилла топшириб, ялпи хирмонини 11000 килограммга етказиш мажбуриятини олишди. Пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

Дон—бойлигимиз

АНИҚ ТАДБИР АСОСИДА

Бу йил лалми ерларимизнинг 2 минг 878 гектарига кузги, 1 минг 428 гектарига эса баҳорги дон эканмиз. Бу ерлардаги ғалла серхосил бўлиб ўсиши учун совхозимиз меҳнатқўшлари ўз кўч-ғайратларини аямай меҳнат қилдилар. Кузу киш, кишу баҳор қилинган ана шундай фидокорона меҳнат тўғрисида ғалла-миз серхосил бўлиб етилди. Эндиги вазифа юқорида айтганимиздек, ҳосилининг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб олишдан иборатдир. Бунинг учун ғалла эришида қатнашадиган 18 та ўрим комбайни ремонтдан чиқарилиб, керакли борма агрегатлар, транспорт воситалари ва механизмлари шайлаб қўйилди. Маъсумга ўрим комбайнларини биринчилардан бўлиб ҳозир-

лаган Парда Зарипов, Худойкул Авазов, Отабой Бобойлов, Назир Бойниязов каби серғайрат меҳнатдорларимиз 450—500 гектар майдондаги ғаллани ўриб, янчиб бериш мажбуриятини олишди. Шунингдек транспорт тракторчилари ва бошқа агрегат-механизмларни бошқарувчилардан тортиб хирмонда ишлаётганларга ҳамма ўз зиммасидаги вазифасини аниқ билиди. Биз ўрим-йиғимини 12 киш қўлида муваффақиятли аяқуллаб, ҳар гектардан пландаги 9 центнердан ортиқ 15 центнердан дон ҳосили оламиз. Бугунги кундаги барча ишларимиз ана шу мақсадга қаратилган.

О. МАМАШУКUROV, ғаллазорол районидagi «Биринчи май» тажриба-уруғчилик совхозини директори.

МўЛ ҲОСИЛ ИШТИЁКИДА

Задарё районидagi «СССР 60 йиллик» совхозини миришкорлари 1983 йилда маккажўхори донини еттиштириш янада кўпайтириш ташаббуси билан чиқдилар. Ташаббусида партия комитети томонидан маъқуллашганини совхоз маккажўхориқорларини янги марралар сари илҳомлаштириб юборди. Маккажўхориқорлар айлани кўнларда 1200 гектар ердан 10,5 минг тонна «макарбон дон» еттиштириш иштиёкида эканини меҳр билан парварши қилмоқдалар.

Э. Насриддинов, Ғ. Урнов бошлиқ нарядсиз звеноларда маккажўхори қатор ораларида комплекс ишлов бериш, айниқса, намунали олиб боришда, Эргашев Аҳмедов, Махмуджон Даминов каби дала гвардиячилари ўз агрегатларини юксак унвудга ишлатиб, ҳамма бўларига намуна бўлмоқдалар. Шунини қувончилик, кўпийишадиган чиқарилган маккажўхориқорларга кетма-кет охиёбат таралмоқда.

Т. РАХИМОВ, Наманган области.

АМАЛИЙ ВАЗИЯТДА

КАЛГАРИ (Альберта вилояти), 23 май (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети Иттифок Совети Қонун лоийҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси М. С. Горбачев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Канададаги расмий визитини тугалламоқда.

Совет делегацияси Канадада бўлган етти кун давомидаги суҳбатлар амалий руҳда ўтди, канадаликларнинг ҳайрихоҳлини барча учрашуларга хос хусусият бўлди.

РСДРП ИККИНЧИ СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАБ

МОСКВАДА В. И. Ленин Марказий музейида очилган Бутуниттифок илмий-амалий конференцияси РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллигига бағишланди. Ленин ва тарихий революцион музаейларнинг коммунистик партиянинг жамиятининг революцион тарзда қайтадан ўзгартириш, социализмни ва коммунистликни қуришдаги раҳбарлик ролини пропаганда қилиш боросидаги фаолияти муҳокама қилинмоқда.

(ТАСС, 23 май).

СССР ХАЛҚЛАРИ VIII СПАРТАКИАДАСИ

ТЕННИС СТАДИОНИ УЗРА БАЙРОҚЛАР ҲИЛПИРАМОҚДА

Ўтган яқинда кунини Ўзбекистон пойтахтида СССР халқлари спартакиадасининг теннис мусобақалари тантанали равишда бошланди. Бу кун кўпгина қизиқарли ва тўқилиштирувчи воқеаларга бой бўлди. Барча иттифокдош республикаларнинг вакиллари Ленин номи майдонига келдилар. Бу ерда спортчилар Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Номатлум солдат



Пилла тайёрлаш планини муддатдан илгари бажарган пиллакорлар учун қўнғидагилар Республика ҳўрмат тахтасига ёзилади:

Бухоро области (область) партия комитети секретари А. К. Каримов, область ижроия кўмитети раиси Н. Н. Нарзуллаев, область комсомол комитети секретари Х. Т. Бақоев, область пиллачилик бошқармаси бошлиғи Т. Ғ. Гойинов);

Ғиждувон району (район) партия комитети секретари С. К. Раҳимов, район ижроия комитети раиси В. Ҳ. Ҳамидов, район комсомол комитети секретари И. Жалилов, бош пилла қўритиш корхонаси директори Г. Тошев);

Вобкент району (район) партия комитети секретари И. Н. Намиков, район ижроия комитети раиси Н. Бўронов, район комсомол комитети секретари М. Т. Тўраев, бош пилла қўритиш корхонаси директори А. Фозиев);

Шофиркон району (район) партия комитети секретари М. М. Мақсудов, район ижроия комитети раиси М. Мақсудов, район комсомол комитети секретари С. Я. Бахронов, бош пилла қўритиш корхонаси директори А. Эрғашев);

Ромикан району (район) партия комитети секретари Х. Саидов, район ижроия комитети раиси Е. Собиров, район комсомол комитети секретари У. Ғ. Эргашев, бош пилла қўритиш корхонаси директори С. Бехбудов);

Свердлов району (район) партия комитети секретари У. Н. Нуруллаев, район ижроия комитети раиси С. Исонов, район комсомол комитети секретари Г. К. Тўймурад, бош пилла қўритиш корхонаси директори Н. Соликов);

Когон району (район) партия комитети секретари Т. Б. Бақоев, район ижроия комитети раиси М. Ғ. Баротов, район комсомол комитети секретари Ш. Н. Отауллаев, бош пилла қўритиш корхонаси директори Х. Ҳасанов);

Бухоро району (район) партия комитети секретари Р. Акбаров, район ижроия комитети раиси И. Солиев, район комсомол комитети секретари О. Н. Сулаймонов, бош пилла қўритиш корхонаси директори У. Ҳ. Жўраев);

Тагарин району (район) партия комитети секретари Х. Муродов, район ижроия комитети раиси К. Қўзоддинов, район комсомол комитети секретари У. Холмонов, бош пилла қўритиш корхонаси директори Ч. Раҳматуллаев);

Ангор району (район) партия комитети секретари К. Б. Бозоров, район ижроия комитети раиси К. Пирматов, район комсомол комитети секретари Р. У. Узамова, бош пилла қўритиш корхонаси директори А. Саирбоев);

Термиз району (район) партия комитети секретари Н. Нордодилов, район ижроия комитети раиси С. Сағдуллаев, район комсомол комитети секретари Р. Ҳ. Чоршанбиев, бош пилла қўритиш корхонаси директори Х. Қўлматов);

Қумқўрган району (район) партия комитети секретари Ч. Алматов, район ижроия комитети раиси И. Жўмаев, район комсомол комитети секретари Э. Ҳ. Баротов, бош пилла қўритиш корхонаси директори К. Қўрбонов);

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАЪНО КОВИСТОННИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН РАСМИЙ ВИЗИТИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг тақдифига буюнган Финляндия Республикасининг президенти Маъно Ковиистон шу йил июнь ойининг биринчи ярмида расмий визит билан Совет Иттифогига келди.

И. Ҳўжаев фотоси. (ЎЗАТАГ).

СССР ХАЛҚЛАРИ VIII СПАРТАКИАДАСИ

ТЕННИС СТАДИОНИ УЗРА БАЙРОҚЛАР ҲИЛПИРАМОҚДА

Ўтган яқинда кунини Ўзбекистон пойтахтида СССР халқлари спартакиадасининг теннис мусобақалари тантанали равишда бошланди. Бу кун кўпгина қизиқарли ва тўқилиштирувчи воқеаларга бой бўлди. Барча иттифокдош республикаларнинг вакиллари Ленин номи майдонига келдилар. Бу ерда спортчилар Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Номатлум солдат

